

Yoshlar o‘rtasida mamlakatimiz boy tarixini, uning betakror madaniyati va milliy qadriyatlarini keng targ‘ib etish, jahon ilm-fani va adabiyoti yutuqlarini yetkazish uchun muhit va shart-sharoit yaratish zarur.
Shavkat MIRZIYOYEV



IJODIY PARVOZ

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

Navro‘z ayyomi muborak!



**Hurmatali hamkaslar,
aziz talabalar!**

Barchangizni uyg‘onish va yasharish, poklanish va yangilanish ayyomi – Navro‘zi olam munosabati bilan chin qalbimdan qutlayman. Ona yurtimizga fasllar kelinchagi bahor tashrif buyurdi. Butun tabiat go‘zallikka burkanmoqda. Borliqning betakror tarovatidan ko‘zingiz quvnaydi. Nafosat fasli odamlar qalbida ham sof va huzurbaxsh tuyg‘ularni uyg‘otib, yashash va yaratishga ruhlantiradi.

Ayniqsa, sharqona yangi yilning boshlanishi, eng qadimiy bayramimiz – Navro‘zi olam beqiyos jihatlarga ega. Navro‘z tinchlik, totuvlik, bag‘rikenglik, qut-baraka timsoli, mehr-muhabbat ayyomidir. Asl milliy bayramimizda xalqimizning qadimiy urf-odatlari, an‘analari, umrboqiy qadriyatlari o‘z ifodasini topgan. Umumxalq bayrami tarixining uch ming yilliklar bilan bog‘lanishi Sharq xalqlari dunyo tamaddunida katta o‘rin va mavqega ega ekanini ko‘rsatadi.

2019-yil institutimiz jamoasi uchun omadli boshlandi, de-sam adashmayman. Mart oyining dastlabki kunlari yoqimli xushxabar eshitdik. Institutimiz tarixida ilk bor faol va iste‘dodli talabalarimizdan ikki nafari nufuzli davlat mukofoti bilan taqdirlandilar. Madaniyat mu-assasalarini tashkil etish va boshqarish yo‘nalishining 4-kursida tahsil olayotgan Azizaxon Ismanova va Axborot kutubxonashunoslik yo‘nalishining 1-kurs talabasi Shohista Ergashevalar muh-taram Yurtboshimiz tomonidan 8-mart – Xalqaro xotin-qiz-

lar kuni munosabati bilan Zulfiya nomidagi Davlat mu-kofoti bilan taqdirlandilar. Bu mukofot, yuksak e’tirof na-faqat qizlarimiz, balki butun institutimiz jamoasining ham ulkan yutug‘idir.

Men institutda tahsil olayotgan barcha talabalarimizni xuddi Azizaxon va Shohistaxon singari faol, harakatchan, mehnatkash bo‘lishga, o‘z iste‘dodi, bilimi va yuksak tafakkuri bilan nafaqat mamlakatimiz, balki jahon bo‘ylab shuhrat qozonishga undab qolaman. Chunki hozirgi yoshlarimizda buning uchun imkoniyatlar, shart-sharoitlar yetarli.

Yaqinda institut tarixida yana bir quvonchli voqeа ro‘y berdi. 15-20 mart kunlari Moskvadagi Rossiya davlat teatr san’ati instituti tomonidan MDH davlatlari orasida o‘tkaziladigan “GITIS-masterklass” nomli ikkinchi Xalqaro teatr festivalda 15 kishilik delegatsiya bilan ishtirok et-dik. Tadbirlar yuksak ruhda, do’stona kayfiyatda o‘tdi, biz san’at va adabiyot hamisha xalqlar o‘rtasidagi do‘stlik va qardoshlik rishtalarini yanada mustahkamlashiga, bir-birining san’ati va madaniyatini bilgan, hurmat qilgan o‘sha xalqni ham yaxshi bilishi, e’tirof etishimi ich-ichimizdan his qildik. Shu ma’noda mazkur festival sabab xorijlik do‘stlarimiz bugungi o‘zbek madaniyati bilan oshno bo‘lib, adabiyot, teatr, kino va boshqa ma’naviy sohalarda olib borilayotgan keng ko‘lamlari islohotlar haqida tasavvur ho-

sil qildilar va buni o‘zaro suhbatlarimizda ham e’tirof etdilar.

Mazkur festivalda “Teatr san’ati” fakulteti talabalari ilk bora Mixail Bulgakov asari asosida, pontamimo ko‘rinishidagi “Artist” nomli sahnalashtirilgan teatr tomoshasi bilan ishtirok etdilar. Ushbu tadbirda Ozarbajyon davlat madaniyat va san’at instituti, Belorus davlat san’at akademiyasi, Yerevan davlat teatr va kino instituti, Qozog‘iston milliy san’at universiteti hamda Moldova musiqa va teatr akademiyasi vakillari qatnashdi.

Institutimiz jamoasi ilmiy sohalarda ham yaxshi natijalarga erishib bormoqdalar. “Musiqali, dramatik teatr va kino san’ati” kafedrasidan Jo‘ra Mahmudov professor, ushbu kafedra o‘qituvchisi Ernazar Yorbekov, “Vokal” kafedrasi o‘qituvchisi Ro‘dakiy Allanbayev va “Estrada va om-maviy tomoshalar” kafedrasi o‘qituvchisi Karimova Zarifaxonlar esa dotsent unvonlarini olishdi.

Aziz hamkaslar, zahmatkash xodimlar, ilmga chanqoq talabalar! Biz mamlakatimiz tinchligini saqlash, iqtisodiy madaniy farovonlikni ta’milash, yuksak bilim va tafakkurga esa zamonaliv yoshlarni bugungi zamon talablari asosida tarbiyalash masalalarida tinimsiz mehnat qilayotgan Muh-taram Yurtboshimiz Shavkat Miromonovich bilan ham ruhan, ham qalban, ham jismongan hamqadam bo‘lishimiz shart. Mamlakat rahbariki, bizning ertangi kelajagimiz, ma’naviyatimiz va san’atimiz rivoji yo‘lida jon kuydirayotgan, ezgu ishlarni boshlayotgan ekan, shu sohaning egasi bo‘lib turib bizni tinch o‘tirishga, loqayd va beparvo bo‘lishga aslo haqqimiz yo‘q. Men shu yo‘lda barchangizga omad tilayman.

Sizlarni yana bir bor Navro‘z ayyomi bilan chin qalbdan qutlayman. Sihat-salomatlik, xotirjamlik, baxt-saodat, xona-donlaringizga fayzu baraka, farovonlik tilayman.

**Ibrohim YO‘LDOSHEV,
Institut rektori,
filologiya fanlari doktori,
professor**



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири



**СЕДИ
БАҲОРНИ
СОҒИҲОНМАДИҲОНГИ?**

Үйгонгувчи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзинги,
– Сен баҳорни согинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
– Сен баҳорни согинмадингми?

Үнгирларда сакрайди оху,
Наъматакда саъва миттижон.
Корликлардан сипқарилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен тинҳон,
– Сен баҳорни согинмадингми?

Мана, бугун наврӯзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
– Сен баҳорни согинмадингми?

Уйбу сонда:

3 уйда яхонимиз изидали...
2-бет

ПРОФЕССИОНАЛ ҲОНА
3-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 2 мартағи Қарорига биноан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши 4-босқич талабаси Азиза Исманова ҳамда Кутубхона-ахборот фаолияти таълим йўналиши 1-босқич талабаси Шоҳиста Эргашева каби фаол кизлар Зулфия номидаги Давлат мукофотини кўлга киритишиди. Бу воқеа институт миқёсида чинакам шов-шувга айланди. Табиийки, ёш дўстларимиз муваффақиятидан барчамиз кувондик. Шу ўринда хозирда институтимиз фарҳига айланган икки совриндор ҳакида тўхталиб ўтсам...

Азиза Исманова 1996 йили Наманганд вилоятида туғилган. Болалигидан санъат ва маданият соҳаларига меҳр кўйиб улғайди. 2015 йили олий таълим муассасасига ўқишга кириб, кўплаб тадбирларда фаол иштирок этиб келади.

— Бу мукофотни шахсан Президентимиздан қабул қилиш мен учун жуда катта шараф ва шу билан биргаликда зиммамга улкан масъулиятни ҳам юклади. Бундан кейинги ҳаётимни санъат ва маданият соҳасининг ривожи учун бағишлишга вайда бераман. — дейди Зулфия номидаги давлат му-

Зулфияхоним изида...



кофоти совриндори Азиза Исманова.

Шоҳиста Эргашева 1997 йилда Сирдарё вилоятида таваллуд топган. Болалигидан адабиётта қизиккан, ижодий ишлари мунтазам даврий нашрларда чоп этиб борилган. Унинг 2017 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Ўн саккизим” номли илк шеърий тўплами чоп этилган. Ёш шоира она Ватан, инсоний туйғулар, мұхаббат, өзгулик, мардлик ва олийжаноблик сингари азалий қадриятлар ҳакида гўзал мисралар ёзиб боради:

Аёл! Бу сўз қанчалик ёқимли ва ҳаётбахш. Бу сўз миллионлаб қалблардан меҳр булоғи каби тошиб чиқади. Аёл борки, олам мунаввар. Аёл борки, ҳаёт бор. Аёл борки, дунё ўз гўзларини асло йўқотмайди.



АЁЛ

Сенинг номингни қанчадан-қанча шоирлар ўз шеърларида мадҳ этадилар, расомлар эса сен учун яратган асарларини ҳақиқий санъат асари деб хисоблайдилар, созандалару, кўшиқчилар сенинг номингни куйга соладилар. Ҳеч бир ижодкор йўқки, сендан илҳомланмаса.

Сен шунчалар буюксанки, Аллоҳнинг ўзи энг олий мансабни сенга инъом этди ва кўкларга кўтарди: бутун оламини кўтариб туришга етгувчи бу куч – Оналиқдир!

Сен шунчалар курдатлисанки, бағрингда тоғдек ирода ва матонатни сифдира оласан. Ўзингнинг кўксинг тўла дард ва изтироб бўлса ҳамки, оламга шодлик берасан. Дунёни қувончга, баҳтга, мұхаббатга тўлдирасан. Сенинг исминг Мұхаббат. Сенинг исминг Бахт. Сенинг исминг Ҳаёт. Шоиримиз айтганидай, сен барибир мукаддассан, АЁЛ!

Дунёнинг барча олим-у, аллома-ю алпларини она дунёга келтиради. У авлодларни авлодларга улади ва ҳаётнинг абадийлигини таъминлайди. Сен учун қад ростлаган Тожмаҳал дунёнинг етти мўъжизасидан биридир. Ўзи бори мўъжизалар сен учун, Сенинг

гўзал қалбинг учун яратилган. Олам сен учун яратилган, муқаддас АЁЛ!

Сен кимгадур фарзанд, кимгадир она ё сингилсан, кимгадир рафиқа, яна кимгадир онасан. Барча яқинларингнинг фам-ташвиши сенинг бошингда. Сенинг матонатинг саркардалар матонатидан ҳам кучлироқ. Сенга дунёларни тортиқ қилса ҳам кам. Лекин сенга бутун оламнинг молу дунёси керакмикин?

Йўқ, сенга на зебу зийнат, на ўткинчи ҳою-ҳаваслар кепрак. Сенга яқинларингнинг меҳру-мұхаббати, озгинагина эътибори етарли. Шунинг ўзи сен учун ҳақиқий баҳт.

Сен – ҳаёт давомчиси. Сен – севимли ёр, фарзандларнинг суюнган тоғи, меҳрибон она... Сен борки, яшагимиз келаверади. Сен борки, ҳамма нарсамиз бор. Сен борсанки, биз борлигимизни, кимлигимизни, ўзимизни хис қилалигиз. Аслида сенсиз биз ҳеч киммиз!

Мен барча аёлларимизни, гўзал қизларимизни баҳор байрами билан муборакбод этаман!

Эркин РАҲИМОВ
“Вокал” кафедраси
доценти

БАХТЛИМАН!

Қадим Шарққа назмдан,
Ҳеч ким беролмагай дарс,
Менинг ўз сабогим бор,
Ҳақиқатим шудир бас.
Дунёда шоир борки,
Ҳазрат Навоийдан қарз.
Кўп қаторида қарздор
Қилганидан баҳтлиман!
Гарчи вақтидан вақти
Бўлолмасам-да баҳти,
Тангрим, вақтида баҳти,
Қилганингдан баҳтлиман!

Бу икки мукофот сохибасига институт ректори Иброҳим Йўлдошев чукур миннатдорчилик билдириб, эсадалик совғаларини топшириди.

Мустақил ва ҳур Ўзбекистонимизда буюк аждодларимизга муносиб авлодлар шакллантиришга катта эътибор қаратилаётган бир вақтда санъат ва маданият соҳаларида таҳсил олаётган ёш кадрларнинг ютуқлари кўнгилларни қувонтиради. Илоҳим, бундай юуклар сони ортаверсин!

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
“Санъат назарияси ва тарихи” (киношунос)
мутахассислиги 2-босқич талабаси

Балли, қизлар!


Ayolga baxt bering, saodat bering.
Demang, yuribdi-ku kulib, jilmayib.
Ayol kulib turib, o'lishi mumkin,
Dunyoni olishi mumkin jilmayib.

Yurtboshimizning “Ayollarni qancha ulug'lasak, hayotimizning chirog'i, umrimizning guli deb e'zozlasak, demakki oilamizni, vatanimizni e'zozlagan bo'lamiz”, “dunyoda “muqaddas” degan so'zga eng munosib zot ham – onadir”, degan da'vatlari bugun har birimizning ong-u shuurimizni munavvar etib, ezgu ishlarimizga qanot bag'ishlamoqda.

Dunyoda onaday zahmatkash zot yo'q. Darhaqiqat, onalarning umri davomida amalga oshiradigan ishlarini uncha-muncha alloma hisoblab adog'iga yeta olmaydi. Bugun onalarimiz, opa-singillarimiz mamlakatimizda tashkilot rahbari, ilm so'qmoqlarida ixtiolar yaratadigan olima, madaniy meirosimiga hissa qo'shayotgan san'atkor, xalqimiz baxtini taranum etayotgan adiba, xalqaro musiqa, fan olimpiadalari va sport musobaqalarining g'oliblari, yangi avlodning oqila murabbiyasi, dillariga darmon shifokoridir.

Mana shunday munis ayol-larning qizlari bo'lgan o'zbek qizlari ham bugunda o'zining serqirra qobiliyatları, latofati va mehnatsevarligi bilan o'zbek millatiga munosib qiz ekanligini isbotlab kelmoqdalar.

Bahor fasli kirib kelishi bilan bayramlar bayramlarga tutashib ketadi. 1-mart Zulfiyaxonimning tavallud ayyomi ham o'zbek ayollar uchun o'zgacha bir tan-tanadir. Shu munosabat bilan yaqinda O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining o'quv teatridera uchta fakultet o'rtaSIDA “Balli, qizlar” ko'rlik-tanlovi bo'lib o'tdi. Unda “Kino TV va radio



shart bo'yicha bellashdilar. Tadbirga mehmon sifatida taniqli san'atkorlar Yahyobek Mo'minov hamda Mashhurbek Raimjonovlar tashrif buyurdi. Ular o'zlarining dilga yoqar taronalarini bilan kechaga o'zgacha fayz kiritishdi. Bellashuvlar jarayonida “Ma'rifat” jamoasi oliy o'rinni, “Yosh ijodkorlar” jamoasi esa birinchi o'rinni oldi. “O'zbegim qizlari” jamoasiga esa ikkinchi o'rinnasib qildi.

O'zDSMI “Ma'naviyat” bo'limi, institut “Xotin-qizlar qo'mitasi” hamda Yoshlar ittifoqi boshlang'ich tashkiloti tomonidan talaba qizlarga diplom va esdalik sovg'alari taqdim etildi.

Mavjuda TOSHEVA,
“Teatrshunoslik” yo'naliishi
3-bosqich talabasi



Ўзбек театр ва кино санъати тарихида номи “Она” унвони билан улугланувчи санъаткор аёллар кўп эмас. Ўзбек профессионал саҳна санъатининг биринчи авлоди вакиларидан бўлмиши Сора Эшонтўраева ўзининг Жамила, Офелия, Гертруда сингари улугвор, айни пайтда фожией образлари билан Икрома Болтабоева эса Майсара, Дездемона, Нетайхон сингари ранг-баранг роллари билан ўз номига абадийлик баҳи этган бўлса, мана шу авлоднинг яна бир ёрқин вакили Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева кинода ҳам, театр соҳасида ҳам чин маънода Она тимсоли бўлиб халқ қалбида қолди.



ПРОФЕССИОНАЛ “ОНА”

Образлари орқали танилиш ва тан олишиниш, севимли бўлиш ҳар бир санъаткорнинг юрагида яшайдиган буюк орзу аслида. Зайнаб Садриеванинг эса бу борада тақорор-тақорор баҳти кулган эди. Унинг номи халқ орасида гоҳ Фармонбиби, гоҳ Анзират буви бўлиб ҳамон яшаб келадиган бежиз эмас.

Маълумки, Зайнаб Садриева 1912 йилда 25 октябрда Астраханда таваллуд топган. Тақдир тақозоси туфайли тўрт ёшида оиласи билан Тошкентга кўчуб келган. Оддий меҳнаткаш инсон оиласида туғилган ўша қизча йиллар ўтиб, ўзбек саҳна санъатининг юлдузига айланди. Унинг миллати асли татар бўлишига қарамай, ҳар бир роидаги ўзбек аёлига хос хусусиятларнинг қойилмақом намоён бўлишида, нафакат унинг яхши актисалик қобилиятига эгаллиги, балки ўсиб-улғайган муҳитнинг катта таъсири бўлгани аник.

Зайнаб Садриева роль ижро этган фильмлару спектаклларни бугун тасмалардан томоша килар эканмиз, образларидан унинг нафакат касбий етуклиги, шу билан бирга шахсидаги соддалиқ, халқчиллик,

доноликни, матонатли аёл юрагини ҳам хис этамиз. Зайнаб Садриева образларини кўрган киши беихтиёр ўз бувисини, ўзбек оналарининг тимсолини кўргандек бўладики, бунинг боиси санъаткор ижроси-нинг халқчилликдан. Шу заминида ўни ўтсан, умрининг саксон беш йилини шу ерда ўтказган инсон, ҳоҳ у санъаткор бўлсин, ҳоҳ бошқа бир соҳа вакили - қандай қилиб у бу халқ ҳаётидан, руҳидан узок бўлсин. Унинг ижод ўйлига назар солиб шуни айтиши мумкинки, Зайнаб Садриевани тақдирнинг ўзи шу элнинг фарзандига айлантирган эди. Унинг ҳаёт ўйли саҳна билан, санъат билан боғланди. У 17 ёшидан Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри (Хозирги Ўзбек Миллий академик театр) ўтказган кастингда катта актёrlар назарига тушиб, умр бўйи шу театр саҳнасида ижод қилди.

Бўлажак актиса ҳаётининг театр билан боғланишидан аввал хотин-қизлар техникиумида атоқли ўзбек шоираси Зулфияхоним билан бирга таҳсил олган. Маннон Уйғур раҳбарлигидаги ижодий жамоа орасида ишлай бошлаган қезлари

ёш актисанинг маҳорати йиллар давомида, амалий жараёнда сайқалланиб борди. Машакқатли ижод йўли давомида Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Мустай Карим, Ф.Шиллер, А.Островский, М. Горький каби кўплаб муаллифларнинг асарларида роллар ижро этиб, халқ назарига тушди. Зайнаб Садриеванинг актиса сифатидаги табиити шундай эдик, унинг ижросида миллий характердаги роллар ҳам, Европа типидаги характерлар ҳам бирдек жонли чиқар эди. Унинг сиймосидаги Мильфорд хоним (Шиллер. “Макр ва Муҳаббат”), Васса Железнова (“Васса Железнова”), Глафира (“Айбиззайт айборлар”) сингари образларда Гарб аёлларининг сиймоси нақадар табиити жонланган бўлса, Танга бека (М.Карим. “Ой тутилган тунда”), Фармонбиби (С.Ахмад. “Келинлар қўзғолони”) ларни ҳам Зайнаб Садриевадан бошқа бир актиса талқинида тасаввур этиши қийин туюлади. Ҳар бир ролини “ўзиники”га айлантиришда санъаткорнинг ўзига хос ички темпераменти, маҳорати, ўз ишига ишончи ва касбига садоқати муҳим ўрин тутади.

Зайнаб Садриева билан бир саҳнада ижод қилган санъаткорлар, у кишининг саҳнага бўлган меҳрини, санъатга бўлган ҳурматини ҳавас билан эслайдилар ва ўзларига намуна сифатида қараб, ардоқлайдилар. Саҳнада қаттиқўл шу билан бирга

ижро пайтида партнёрни кўллаб-куваттайдиган, жараённи ўзида сени тўғри йўлга сола оладиган профессионал бугунги театр актёrlари Зайнаб Садриеванига устоз мақомида қарашади. Айтишиларича, 1975 йилда саҳналаштирилган “Келинлар қўзғолони” (режиссёр Б.Йўлдошев) спектакли репетициясида Зайнаб Садриева билан бир саҳнада роль ижро этган ўш актёр-актисаларни “Она”нинг салобати босар, ҳамма сўзини унтиб кўйишилан, нотўри ҳаракат килишдан ниҳоятда чўчишар экан. Бу Зайнаб Садриеванинг баджажл эканлигидан эмас, аксинча, ўз ишига ниҳоятда масъулият билан қарashi, саҳнани мукаддас билиши ва ёшлардан ҳам шундай эътиқодда бўлишини талаб этишини билдиради. Зотан, Зайнаб Садриева айни шу эътиқоди билан ўз касби аъмолидан шону рўшнолик топди, бугун ҳам келажак авлод томонидан номи хурмат билан эсланади.

У кишининг ижод йўли, санъаткор сифатидаги ҳар бир босган қадамию ўзидан қолдирган изини ўрганиш бугун санъат йўлини танлаган ёшлар учун улкан мактаб даражасидадир.

**Феруза КАРАЕВА,
“Мусикали драматик театр ва кино санъати” кафедраси ўқитувчиси**



Nizomiddin Mir Alisher 1441-yilning 9-fevralida Hirotning Bog'i Davlatxona mavzeyida, temuriylar xonadoniga yaqin bo'lgan davlat xizmatchisi G'iyosiddin Bahodir oilasida tavallud topgan. Tarixchi Mirxon «Ravzat-us-saf» asarida yozishicha, Amir Alisherning bobosi Amir Temurning o'g'li Umarshayx bilan emikdosh bo'lgan. Quyida e'tiboringizga Alisher Navoiy hayotiga taalluqli ma'lumotlarni taqdim qilamiz.

1. Navoiyning ilmga bo'lgan ishtiyoqi erta uyg'onib, 4 yoshida maktabda ta'lim ola boshlagan. U 7 yoshida Farididdin Attorning «Mantiq-ut-tayr» asarini yoddan bilganlar.

2. 7 yoshli Nizomiddin Mir Alisher buyuk muhaddisimiz Buxoriy hazratlarining olti mingdan ziyod hadisi shariflarini yod bilgan. Mir Alisher 7-8 yoshlaridan boshlab g'azallar yoza boshlagan.

3. Alisher Navoiy «muqarrabi hazrati sultoniy» («sulton hazratlarining eng yaqin kishisi») degan unvonni olgan. Unvon Navoiyiga davlatning barcha ishlariga aralashish huquqini bergen.

4. Turkiy tilni qayta tiriltirgani Navoiyning ma'naviyatimiz uchun ulkan jasorati bo'lgan. Zahiriddin Muhammad Bobur «Turkiy til bila to she'r aytibdurlar, hech kim oncha ko'p va xo'b aytqon emas», — deb yozsa, Husayn Boyqaro «Mir Alisher turk tilining o'likasidagi a Masih nafasi ila jon ato etdi» deb ta'kidlagan.

5. Alisher Navoiy o'n besh-o'n olti yoshlarida ham turkiy, ham forsiyda ijod qiladigan “ikki tilli” shoir sifatida tanilgan.

6. Alisher Navoiy o'smirlik yillarida o'zi sevgan shoirlarning 50 ming baytdan ortiq she'rлarini yod bilgan.

7. Alisher Navoiy turkiy tilda yozgan she'rлariga Navoiy, forsiy tildagi she'rлariga Foni deb taxallus qo'yadi. Shoirning forsiy she'rлar to'plami “Devoni Foni” deb nomlangan.

Alisher Navoiy haqida

15 ma'lumot va 10 hikmat

8. Navoiyning sevgilisi sifatida tasvirlanadigan “Guli” ismi faqat xalq og'zaki ijodida, Navoiy haqidagi rivoyat va afsonalarda uchraydi xolos. Guli nomi Navoiyning hayoti haqida ma'lumot beruvchi yozma manbalarning hech birida uchramaydi.

9. Navoiy asarlarida Farhod – komil inson timsolidir. U bolaligidan ilmga chanqoq bo'ladi va bir marta o'qigani sira yodidan chiqmaydi. Farhod o'n yoshga yetganda hamma ilmlarni egallab bo'ladi.

10. Navoiy taxminan 18-19 yoshlarida Abdurahmon Jomiy bilan tanishadi. Jomiy uni ham farzand, ham shogird sifatida qadrlaydi. Keyinchalik bu ikki ulug' shoir o'rtasidagi ustoz va shogirdlik munosabatlari yanada mustahkamlanib, ijodiy hamkorlikka aylanadi.

11. Samarqand Navoiyning hayoti va ijodida muhim ahamiyat kasb etadi. Alisher 1464-yilda Samarqandga keladi va bu yerda madrasada tahsil olib, ilm-fan, adabiyot va san'at bilan tanishadi.

12. 1469-yili Navoiy do'sti Husayn Boyqaroning taxtga chiqishi munosabati bilan 90 baytdan iborat “Hiloliya” qasidasini yozadi (“hilol” – yangi chiqqan oy).

13. Navoiy o'z jamg'armasi hisobidan Hirotda va butun Xuroson mamlakatida 300 dan ortiq inshootlar qurdirgan.

14. Alisher Navoiy 16 ta adabiy janrda ijod qilgan. Navoiy turkiy tilidagi ilk “Xamsani” 2 yil davomida yozadi. Dunyoning 64 tilga tarjima qilingan bu asar 51 ming misradan ortiq. Shoirning lirik merosi umumiy hajmi 50 000 misradan ortiq «Xazoyin-ul-maoni» nomli to'rt devon (1491—1498)ga jamlangan.

15. Alisher Navoiy 1501-yil 3-yanvarda vafot etdi. Uni dafn etish chog'ida maydalab yomg'ir yog 'ib turgan edi. Buni tarixchi Xondamir “hatto tabiat ham motam tutdi” deya ta'riflagan.

Hikmatlar

1. Kishining odobi uning boyligidan yaxshidir.

2. Oxirat savobi dunyo rohatidan yaxshidir.

3. Do'stlarning yaxshilikka boshlagani – yaxshiroqdir.

4. Ko'p toatdan – oz ma'rifat yaxshi, aqlli dushman almoq do'stdan yaxshiroqdir.

5. Yomon do'st – shaytondir.

6. Yaxshi kishilar bilan hamsuhbat bo'lish – yomonlikdan asraydi.

7. Seni yomonlikka boshlagan kishi dushmaningdir.

8. Kimki ko'ngilni qattiq so'z bilan jarohatlar ekan, unga achchiq til zaharli nayzadek sanchiladi.

9. Muloyim so'z – vahshiylarni ulfatga aylantiradi; sehrgar – ohang bilan afsun o'qib, ilonni inidan chiqaradi.

10. Ko'p, bemaza so'zlaydigan ezma – kechalari tong otguncha tinmay xuradigan itga o'xshaydi. Tili yomon odam – xalq ko'nglini jarohatlaydi, o'z boshiga ham ofat yetkazadi.

KEL, BAHORNI BIRGA KUTAMIZ...

Qo'rqma, ko'zing yumsang o'tib ketadi,
Dildagi yarang ham bitib ketadi.
Qish ham yuraging tark etib ketadi,
Kel, bahorni birga kutamiz.

Qo'ling berma dard-alamlarga,
Aldanmagin hur-sanamlarga.
Sodiq qolib ul qasamlarga,
Kel, bahorni birga kutamiz.

Iztirobni izingga tashlab,
Sevgi deya dilingni g'ashlab.
Osmon qadar orzular boshlab,
Kel, bahorni birga kutamiz.

Visol faslin qilib armug'on,
Ishq ko'yida bo'lishib sarson,
Ko'zlarimiz qilishib giryon.
Kel, bahorni birga kutamiz...



* * *

Eslolmayman...
Jilmayishim edimi shunday?
Shodlik to'la hislar sizni sog'indim!
Avvalgi o'zimni eslab hoti'lab,
Avvalgi o'zimni nechog' sog'indim.
Sog'indim chaqnab turar qarog'im,
Beg'ubor osmonim juda sog'indim.
Sog'indim nafratdan ozoda qalbim,
Avvalgi qizaloq Dilim sog'indim.
Sog'inaman buguncha turtinmaganim,
Zadasiz yuragim seni sog'indim.
Pichirlay quloq ol ey Dilafruzim!
Avvalgi o'zimni-o'zim sog'indim
Eslolmayman...

Dilafruz ZOKIROVA,
"Qo'g'irchoq teatr aktyorligi"
ta'lim yo'nalihi 2-bosqich talabasi



BAHORNI SOG'INDIM

Yuragim g'ashligi tarqamas,
Bunchalar siqildim, og'rindim.
Maysalar oftobni kutgandek
Men yana bahorni sog'indim.

Ko'nglimga qil sig'mas yo'q holim
Aytishga bor so'z, na savolim,
Boychechak olgandir xayolim,
Men yana bahorni sog'indim.

Jonimga tegdi bu qahraton,
Nigohlar bor bundan-da yomon,
Ko'zlarim kutmoqda nigoron,
Men yana bahorni sog'indim.

U tezroq kelsaydi, kelsaydi,
Ko'ksimdan g'amalarim ketsaydi,
Qanchalar kutganim bilsaydi,
Men axir bahorni sog'indim!



Dilnoza ISTAMOVA,
San'atshunoslik: sahna va ekran
dramaturgiyasi yo'nalihi 1-bosqich talabasi

Muassis:
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti

Bosh muharrir:
Nafisa RAIMQULOVA

YASHAYLIK KIMGADIR KERAKLI BO'LIB

Omad yuz o'girsa o'ksib yuramiz,
Gohida yurak ham armonga to'lib.
Hayotni asraylik, bir kun o'lamic.
Yashaylik kimgadir kerakli bo'lib.

Baxtimiz kulmasa dunyo qorong'u,
Kun-u tun bir g'urbat, kun-u tun qayg'u.
Dardni chetga suring, porlasin kulgu,
Yashaylik kimgadir kerakli bo'lib.

Dunyo ham o'zgarar, o'zgarar inson,
Ammo o'zgarmaydi shu yer, shu osmon.
Dilingizga solmang zarracha gumon,
Yashaylik kimgadir kerakli bo'lib.

Ayrilib yig'laysiz yaqiningizdan,
Mehribon, ko'zlar chaqiningizdan.
Baxtingiz qidiring har kuningizdan,
Yashaylik kimgadir kerakli bo'lib.

Orzugul MUZROBOVA,
"Sahna va ekran san'ati dramaturgiyasi" ta'lim
yo'nalihi 2-bosqich talabasi

Устоз шоицлар ижодидан

НАВРҮЗ

Наврӯз шундай кун...

Кўтарида бош
Тандирдан узилган нон каби қуёш –
Тафтидан қизарар уфқинг юзи,
Вужуди таратар оламга бардош.

Наврӯз шундай кун...

Кўтарида бош
Уйкудан одамлар.
Уйқудек тўкилар кўзлардан ғамлар.
Юзларида орзули қувонч:
– Умрингга ҳамроҳ бўлслайди бу дамлар.

Наврӯз шундай кун...

Кўтарида бош
Дилда ҳаяжон.
Хислар қийноғида жабрдийда жон
Шеърдан излар дарддан қочмоққа имкон.


Наврӯз шундай кун...

Кўтарида бош
Кўм-кўк майсалар.
Шохларда гул эмас, баҳор гуллайди.
Қалбларда гўзаллик майсалар
Қирлар алвон гиламин ёйсалар.

Наврӯз шундай кун...

Кўтарида бош
Янги кун.
Бу кун
Ҳар томонга сочиб хушбўй ун,
Янги бир оламга доя бўлади.
Янги олам туғилар бугун –

Наврӯз шундай кун!
Икром ИСКАНДАР,
Ўзбекистон Ёзувчиilar уюшmasi аъзоси



Tahrir hay'ati:

Go'zal XOLIQULOVA
Hamadan ISMOLOV
Antonino KOSHELEVA
Rashid USNATOV
Mas'ul kotib:
Alimurod TOJIYEV

Muxbirlar klubu sardorlari:
Muhammara BOZOROVA
Shavkat DO'STMUHAMMAD

Tahririyat manzili: 100025 Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Yalang'och mavzesi, 127 A uy.

Telefon: (0-371) 230-28-13.
www.dsni.uz; nashriyot@dsni.uz

Gazeta har oyning oxirgi haftasida «NISO POLIGRAF» MCHJ bosmaxonasida chop etiladi.
Manzil: O'rta Chirchiq tumani, Oq ota QFY, Mash'al mahallasi, Markaz -1.

Sahifalovchi:
Dilmurod DO'STBEKOV

Gazeta institutning tahririyat va nashriyot bo'limida tayyorlandi.
O'chami – A3, hajmi 2 bosma taboq.
Nusxasi – 700 dona. Narxi kelishilgan narxda.
Chop etishga 25.03.2019 yilda topshirildi.

Gazeta Toshkent shahar Matbuot va axborot boshqarmasida № 02-00166 raqами bilan 2012-yil 19-dekabrda ro'yxatga olingan.

Institutimiz talabasi Shohista ERGASHEVAni
Zulfiya nomidagi davlat mukofoti sohibasi bo'lgani
bilan tabriklaymiz!

TAHRIRIYAT



TANISHUV

«Hoy, sen nodon, ko'p ham chiranna,
Xom xayoling qachon pishadi?
Otang-usta, sen kim bo'larding,
Olmaning tagiga olma tushadi.»

Shunday kamsitsalar ranjimang, aka!
Ranjimang, har xili bo'lar odamning.
O'sha kimlar uchun, hech kimlar uchun,
Halolligi malol kelar otamning.

Qo'ying derdim, endi ko'rsatib qo'ying.
Ko'ngli ochiqlarning yo'llari ochiq.
Tangridan baxtimiz so'rар otamning,
Qadog'i adoqsiz qo'llari ochiq.

O'sha g'anmlarga gapim bor, aka:
Qo'limdan keladi xayol pishirish.
Osonmi, bir bog'da qurt tushurmasdan,
Olmaning tagiga olma tushirish.

Tuproqqa ter to'kib, loy qorgan otam,
Qayerdan ham bilsin gina-yu kekn?/
Qaddi buksula ham, ketmoni mag'rur;
Ketmon ushlagagan o'zbek o'zbekmi?!

Mening otam ko'ksi g'ururtog'biling.
Manglay teri sabab haloldir tuzi.
Do'star, mening onam – oddiy enaga,
Men o'sha, Alijon – ustuning qizi!

DADAMGA

«Vaqt topsangiz, bir kelib keting!»
O'qituvchim xat yo'llar atayin.
Shu vajdanki, bu majlisda ham,
Yana tikka turasiz, tayin...



O'qituvchi gap boshlar-Hurmatli!
Shug'ullaning ana o'zingiz.
Xayol surar dars payti, tavba,
Kamiga she'r yozar qizingiz!..

...Qo'lingizda horg'in bo'sh xalta,
Uyga qaytar men va izingiz,
Eh, dadajon, shunday kun kelar,
Kamida she'r yozar qizingiz!..

* * *

Fanoda sang'ib yurdim, tangrim yor qilmaguncha,
Gunohkor bo'laverdim, gunoh kor qilmaguncha,
Yo Ollohim, so'rayman, nazarimni to'q qilgin,
Toki Majnumun meni, nazarga ilmaguncha.

Qaraganga qaradim, haqorat oldi ko'zim,
Tangrim bergen darslardan, mahorat oldi ko'zim,
Kelganingda yuzingga, bir bor termulmoq uchun,
Haq yo'lida yosh to'kib, tahorat oldi ko'zim.

Tangrim Qaqnusqalb berdi, ishqingda kuymoq uchun,
Qog'oz va qalam tutdi, g'iybatdan tiymoq uchun,
Yaratganning ishqidan sabab izlamang zinhor,
Robbinga sabab shartmas bandasin suymoq uchun.

Bir kun kelib poyingga yiqilguncha yashasam,
Ovozlarining ismim, o'qilguncha yashasam,
Bir qum zarra bo'lsam-u poyingni tavof etsam,
Tovoningdan to yerga, to'kilguncha yashasam!

Ey ishq ahli, mening ham boshimni silab o'ting,
Shu uzulgan jonimni, joniga ulab o'ting,
Men ishqida ming o'lib, ming bor tirilgunimcha,
Majnumim kelmas bo'lsa, o'limim tilab o'ting!..

Robbinga sabab shartmas, bandasin suymoq uchun...